БУГУН — БИЛИМЛАР КУНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 199 (20. 766) • 1990 йил 1 сентябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

• *ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШЛАР, ҚУЛАЙЛИКЛАР, МУАММОЛАР*

ҲАММАСИ КЕЛАЖАК АВЛОДИМИЗ УЧУН

● Жумҳуриятимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги янги ўқув йилини қандай кутиб оляпти? Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. АЛИМОВ мухбиримиз саволларига жавоб беради.

— Янги ўқув йилидаги янгиликлар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Янги ўқув йилида жумҳуриятимизнинг баъзи вилоятларида янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Нукус дорилфунунида тибиёт ихтисоси — болалар шифокорлари тайёрлаш, Қарши, Марғилон ва Нукусда умумтехникавий ихтисослар бўйича кадрлар, Термизда автомобиль ва йўллар муҳандисларини тайёрлаш ташкил этилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг Андижондаги филиали ўз фаолиятини қайта тиклади. Наманганда Тошкент машинасозлик институтининг филиали очилди.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллик ҳақида декларация қабул қилиши муносабати билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва бу соҳада юқори малакали мутахассисларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида Тошкент Давлат дорилфунунида ва Тошкент халқ хўжалиги институтида халқаро иқтисодий алоқалар мутахассислиги бўйича ўқишга талабалар қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Советида

Жумҳурият ва бутун федерация манфаатларини кўзлаб

● Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми 29 август куни янги иттифоқ Шартномасини тайёрлашнинг бориши билан боғлиқ муаммоларни ва бозор муносабатларига ўтиш дастурларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсандов бутун мамлакат ва ҳар бир жумҳуриятнинг сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи ана шу ғоят муҳим ҳужжатларнинг асосий қоидалари ва принциплари юзасидан жумҳуриятнинг тутган йўли тўғрисида ахборот берди. У бу йўлни ишлаб чиқиш чоғида жамоатчиликнинг фикри, жумҳуриятнинг қонун чиқарувчи олий органида, барча даражалардаги маҳаллий Советларда, ҳукуматда, нлмий муассасаларда, жамоат ташкилотларида қайта қуришнинг бориши ва вазифалари тўғрисида бўлиб ўтган кенг муҳокама якунлари эътиборга олинганлигини таъкидлади.

Янги иттифоқ шартномасини ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини тайёрлаш, деди Ш. Р. Мирсаидов, кескин хўжалик танглиги давом этаётган мураккаб шароитда ўтмоқда. Бу эса ижтимоий-иқтисодий система умумий танглигининг бир қисмидир, холос. Айни пайтда халқларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақилликка интилаётганлиги янги асосий ҳужжатларни қабул қилиш заруратини тақозо этади. Бу интилиш жумҳуриятларнинг давлат суверенитети тўғрисидаги декларациялар ва уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб берувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон ССР ҳам шундай декларация қабул қилди.

Турмуш Ўзбекистон ССР президенти ва жумҳурият ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий вазиятни бутун чоралар билан барқарорлаштиришга қаратилган йўли тўғрилигини тасдиқлади. Бу йилдизлари ўтган ўн йилликларга бориб тақаладиган теран тусдаги салбий жараёнлар қайта қуриш чоғида юзага келаётган вазиятни издан чиқарувчи омилларга қўшилиб кетган ҳозирги шароитда айниқса муҳимдир. Бунда салбий тамойиллар ижобий ўзгаришларни ва амалий қарорларни заифлаштирибгина қолмай, йўққа ҳам чиқармоқда.

Мамлакат иқтисодиётидаги ва унинг етакчи тармоқларидаги мураккаб аҳвол Ўзбекистон халқ хўжалигининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди, албатта. Шунга қарамай, меҳнат жамоаларининг куч-ғайрати билан, жумҳурият идоралари ва маҳаллий Советларнинг аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган ташкилотчилик ишлари туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олишга муваффақ бўлинибгина қолмай, шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришга ҳам эришилди. Шу йилнинг етти ойи мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,7 фоиз, жумладан халқ истеъмоли моллари 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эса — солиштирма нархларда — 4,5 фоиз кўпайди.

Умумий кўрсаткич — ҳосил қилинган миллий даромад шу давр ичида 3,3 фоиз ўсди. Айни пайтда мавжуд қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, жумладан экспорт маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини ҳалол бажармоқда. Биз ҳам ана шу силжишларни мустаҳкамлашга қатъий қарор қилганмиз.

Айни пайтда жумҳуриятдаги мавжуд барча резервлар ҳам ишга солинмаганини эътироф этиш керак. Бу борада биз ҳаммамиз янада катта иш олиб боришимиз лозим. Бир қанча ташқи салбий омиллар ҳам хўжалик фаолиятимизнинг натижаларига таъсир кўрсатмоқда, чунки жўмҳурият иқтисодиёти мамлакат яхлит ишлари туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олишга муваффақ бўлинибгина қолмай, шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришга ҳам эришилди. Шу йилнинг етти ойи мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,7 фоиз, жумладан халқ истеъмоли моллари 7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эса — солиштирма нархларда — 4,5 фоиз кўпайди.

Умумий кўрсаткич — ҳосил қилинган миллий даромад шу давр ичида 3,3 фоиз ўсди. Айни пайтда мавжуд қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, жумладан экспорт маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини ҳалол бажармоқда. Биз ҳам ана шу силжишларни мустаҳкамлашга қатъий қарор қилганмиз.

Айни пайтда жумҳуриятдаги мавжуд барча резервлар ҳам ишга солинмаганини эътироф этиш керак. Бу борада биз ҳаммамиз янада катта иш олиб боришимиз лозим. Бир қанча ташқи салбий омиллар ҳам хўжалик фаолиятимизнинг натижаларига таъсир кўрсатмоқда, чунки жўмҳурият иқтисодиёти мамлакат яхлит

(Давоми иккинчи бетда).



Янги 1990—1991 ўқув йилини пойтахтимиздаги 4-махсус ҳунар-техника билим юрти жамоаси пухта тараддуд билан кутиб оляпти. Сиз ушбу суратда етакчи мураббий, тарих фани ўқитувчиси Абдуманнон Собировнн шаҳар телефон тармоқлари электр монтерлик нхтисосчилари даврасида кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

КАРОМАТ ҚОДИРОВА янги ўқув йилини зўр умид ва ишонч билан кутиб олаётир. У Сирдарё Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битириб, Зомин ноҳиясидаги В. И. Ленин номли мактабда ўқитувчи, нлмий бўлим мудири бўлиб ишлади. 1978 йили Коммунистик партия сафига кирди. Бугунги кунда 26-мактаб директори бўлиб ишлаяпти. «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан тақдирланган. Бу йил К. Қодирова ҳаётида ёрқин саҳифа очилди. У КПСС XXVIII съездида иштирок этди ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига сайланди. Бу юксак ишонч унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. К. Қодирова ҳар бир дарсни маҳорат билан олиб боришга, ёш авлодни меҳр-муҳаббат билан тарбиялашга интилмоқда.

Ҳа, бугунги байрам ўзгача: эрта тонгданоқ фарзандларимизнинг юзида табассум, қўлларида гул. Улар қадрдон билим ўчоқлари сари ошиқишяпти, меҳрибон мураббийларга гулдасталар тақдим этиб, сабоқ олишга шошилишяпти. Устоз ва шогирдлик анъаналари давом эттириляпти. Ўқитувчи — табаррук шахс. У ҳамиша шогирдлар даврасида бўлишни, билим ва малакасини оширишни истайди. Ҳар бир дарсни буюк асарга тенглаштиради.

Ўқитувчи! Жумҳуриятимизда ўз касбига содиқ, билими малакаси юксак мураббийлар кўп. Улар ҳар бир фаннинг фидойилари сифатида ўз шогирдлари меҳр-муҳаббатларини қозонмоқдалар. Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари олий ва ўрта мактаб профессор-ўқитувчилари, педагогларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Вилоят, шаҳар, ноҳия август кенгашларида ҳам асосий эътибор таълим-тарбиянинг шу кун талабларига мос келишига қаратилди. Партия, совет, халқ таълими ташкилотлари бу борадаги ғамхўрликни янада кучайтиришлари керак.

Халқ таълими вазирлиги жумҳуриятимизнинг икки вилоятида ўқитувчиларни хиллаш билан ҳаёт имтиҳонидан ўтказишга янгича ёндашиш юзасидан эксперимент текширишни йўлга қўйди. Бу ўз касб маҳоратларини ошириш ўқитувчилар ишини рағбатлантиришга ундамоқда. Шу мақсадда «Ўзбекистон ССР ўқитувчиси-91» конкурси ҳам бошланмоқда.

Бу йилги олий ва ўрта махсус таълим мактабларига қабул ғоят ҳаяжонли ўтди. Муҳими, педагогика олий ўқув юртларида ва педагогика билим юртларида ўқиш учун бўлажак яхши ўқитувчиларни танлашда мактабга, ҳунар-техника билим юртларига ишонч билдирилди. Медаль соҳиблари, фан бўйича олимпиадалар ғолиблари кириш имтиҳонларисиз қабул қилиндилар. Тошкентлик энг яхши ўқитувчиларга ишонч билдирилди, уларнинг шогирдлари, педагогика олий ўқув юртларига кирган тақдирда ўқувчи аттестатидаги баҳоси кириш имтиҳонлари ўрнида ҳисобга олинди. Бундай тажрибани янада кенгайтириш ғоят муҳим.

Олий ва ўрта махсус таълим мактабларига қабул борасидаги муаммолар ва йўл қўйилган нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Билимдон, оқил ёшларнигина олий ва ўрта махсус таълим мактабларига киришига ва ҳаёт мактабини изчил ўташига эришиш керак. Ҳар бир фан юзасидан қўйилган баҳо адолатли бўлсин. Заррача адолатсизлик ёш авлоднинг ҳаёт йўлига салбий таъсир этиши табиий.

«КПССнинг таълим, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати тўғрисида» резолюцияда қайта қуриш йиллари мафкуравий ақидалар, маъмурий ўзбошимчалик бартараф этилаётган, маънавий меросга мурожаат қилинаётган, жаҳон ҳамжамияти билан амалда ўзаро алоқа боғланаётган даврлнги алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан халқ таълими, кўпгина миллий маданият ва фан марказлари ночор аҳволда қолмоқда.

Жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятларида ўқиш ҳамон икки сменада олиб борилаётир. Деворлари нураб, ночор аҳволга тушиб қолган мактаблар ҳам йўқ эмас. Олий ўқув юртлари, техникумлар моддий-техника базаси суст. Айрим мактабларда дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали ўқув қуроллари етишмаётир. Ўқитувчиларнинг маданий-маиший дам олишларига, уларнинг турмуш шароитларига эътиборни кучайтириш керак.

Жумҳуриятимизда олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сафи ортиб боряпти. Янги дорилфунун, институт ва факультетлар ташкил этиляпти. Янгидан иш бошлаётган бу даргоҳларнинг таълим-тарбия сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Бу йил В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Тошкент шаҳрида давлат дорилфунуни таъсис этиш тўғрисидаги декретга имзо чеккан кунга 70 йил тўлади. Бу тўнғич даргоҳ — Тошкент дорилфунуни Урта Осиё жумҳуриятларида ва Қозоғистонда социалистик ўзгартишларни рўёбга чиқаришда, бу ерда фаннинг, халқ таълимн ва маорифининг қарор топиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Тошкент дорилфунунининг бутун тарихи, социалистик байналмилалчилик қудратли бунёдкорлик кучининг ва ҳамкорлигининг ифодасидир.

Шундай экан, жумҳуриятимизнинг мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва олий мактабини битирган ёшлар Ўзбекистон тарихини чуқур билишлари керак. Афсуски, бу ишни етарли деб бўлмайди. Биз жумҳурият тарихимиз билан бир қаторда йирик шаҳарлар, вилоятлар тарихини ҳам ўрганишни йўлга қўйишга эришишимиз керак. Бу йигит-қизларда туғилган юртига меҳр-муҳаббатни янада оширади, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини тарбиялайди.

Биз ҳадемай, «Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисида» Қонун қабул қилинганлигининг бир йиллигини нишонлаймиз. Жумҳурият Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бўлинмалари бу муҳим ишни амалга оширишда муайян иш қилдилар. Лекин айрим жойларда ҳамон юқоридан кўрсатма кутиш ҳоллари учраб турибди. Бу борада сезиларли ўзгариш ясашга киришиш керак. Бу муҳим қарорни амалга ошириш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг виждоний бурчимизга айлансин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» Мурожаатномасида қўйилган вазифаларни бекамн-кўст бажариш учун курашиш керак. Бунинг учун мактабга эътиборни янада ошириш, ўқитувчилар обрўсини кўтариш зарур.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари, жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг бошланғич синф ўқитувчилари ҳақидаги Фармони мактаб ўқитувчиларининг билим савияларини оширишга, ўқувчиларга кўпроқ эътибор беришга ундамоқда. 1—5 синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш ҳам фарзандларимиз учун қилинаётган беқиёс ғамхўрликдир.

Талабалар, ўқувчилар ҳамма нарсада бардошли бўла олиши — шу кунининг талабидир. Фақат китоб билан ошно бўлган пайтлардагина эмас, айни вақтда дўстлар ва отаоналар, муаллимлар билан мулоқотда, кўпчилик орасида ва мунозараларда хилма-хил маънавий бойлигимизга ўз муносабатларини шакллантиришлари ва маданий фазилатларини намоён қилишлари керак.

Янги ўқув йили бошланди. У ҳар биримизни янада юксак билимли, маданиятли ва зеҳнли бўлишга ундамоқда. Шундай экан, мураббийлар — профессор-ўқитувчилар ҳам, мактаб ўқитувчилари ҳам ва миллионлаб талаба-ю ўқувчилар ҳам ўз қутлуғ номларига сазовор бўлишлари шарт.

БИЛИМ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ҚАЙТА ҚУРИШ, ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

• *Ҳамкорлик жабҳалари*

БИР-БИРИМИЗНИ ЯХШИРОҚ БИЛИШ УЧУН

● Қишлоқ клубининг жой етмай қоладиган даражада гавжум бўлиши камдан-кам юз берадиган ҳодиса. Таниқли артистлар чекка жойларга ҳар кун бораверишмайди. Шунинг учун ҳам саҳна усталари билан ҳар бир учрашув қишлоқ аҳли учун чинакам байрамга айланиб кетади.

Чимкент вилояти Сайрам районидаги Киров номли колхоз маданият саройида ҳам шундай бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурига рақси Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборова ва хонанда, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов ўз созандалари билан меҳмон бўлиб келишди. Улар билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Жуманиёз Жабборов ҳам келиб залда тўпланганларни ўз шеърлари билан таништирди. Ижодий делегация таркибида яна бир киши бўлиб, Чимкент вилоятига қилинган сафар унинг учун юртдошлари билан, қадрдон жойлар билан учрашув бўлди. Бу илгари актёр сифатида танилган ва яқинда режиссерлик фаолиятини бошлаган кинематографчи Исамат Эргешев эди. У Шароф Бошбековнинг пьесаси асосида «Темир хотин» фильмини суратга олган. Бу фильм тошкентликлар Чимкент вилоятига олиб келган кинопрограмма мундарижасини ташкил қилди. Улар Ленин номли колхозда ҳам бўлдилар. Бу ерда ҳам Киров номли колхоздаги каби анчагина Ўзбеклар яшаб, меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон маданияти арбобларини самимий кутиб олишди. «Биз миллий қўшиқлар, рақслар, куйларни соғинамиз, — дейишди мезбонлар. — Биз уларни телевизор орқалигина эмас, балки бевосита эшитиш ва кўриш имкони берилганлигидан хурсандмиз».

— Бу сафарни биз Чимкентдаги ўзбек маданияти марказининг илтимосига биноан уюштирдик, — дейди жумҳурият миллатлараро маданият марказининг директори Шавкат Назирович Шарипов. — Кўринишдан Чимкент Тошкентдан унча узоқ эмасдек туюлади. Лекин ҳар қалай бизнинг артистларимиз, созанда ва хонандаларимиз, рассомларимиз, бастакорларимиз у ерга кам боришарди. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувидан кейин барча соҳалардаги, жумладан, маданият соҳасидаги муносабатларни янги даражага кўтаришга қарор қилинди. Бундай ҳамкорлик бир-биримизни яхшироқ билиб олишга ёрдам бериб, уларнинг ҳам, бизнинг ҳам маънавий турмушимизни бойитади.

Миллатлараро маданият маркази кейинги шундай программани Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида ўтказишни режалаштирган. Тошкентда ташкил қилинган тожик маданияти маркази бу программани тузишда ёрдам беришни ўз зиммасига олди. Кейинчалик санъат усталари региондаги бошқа районларга ҳам ижодий сафарларга боришади.

● 2 сентябрь куни эса Ўзбекистон пойтахти меҳмонларни кутиб олишга тайёрланяпти. Тошкентга қардош Қозоғистондан делегация келади. Ёзувчилар уюшмасида адиблар учрашуви бўлади. Чилонзордаги Улуғбек номли боғда миллий маданиятлар байрами ўтказилади. Бу байрамга Тошкентдаги барча маданият марказларининг вакиллари ҳам таклиф этилган. Байрам доирасида фольклор концертлари, миллий ноз-неъматлар кўргазма-савдоси ўтказилади. СССР халқлари дўстлиги саройида қозоғистонлик артистлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

• *ОБУНА—91*

ГАЗЕТА—МУШТАРИЙЛАР БИЛАН ҲАМЖИҲАТ, ҲАМКОР, ҲАМДАРД

Бугун Иттифоқ ва жумҳурият нашрларига обуна бошланди. Бу йилги обунанинг бошқа йиллардан кескин фарқи бор. Чунки СССРда матбуот ҳақидаги Қонунга биноан, кўплаб оммавий ахборот воситалари юзага келяпти. Муштарийлар энди ўзларига ёққан газета ва журналларга ихтиёрий равишда обуна бўлишади.

Бу оммавий ахборот воситалари жамоаларидан фақат ўқувчилар дидига мос келадиган, юксак савиядаги, ўқишли нашрларни чоп этишни тақозо қилиши табиий. Шу мақсадда рўзномамиз таҳрир ҳайъати аъзолари жойларда муштарийлар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини чуқур ўрганишаётир. Бу учрашувларда газета муҳлислари рўзнома баҳосининг ошиши сабаблари ва обуна билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам саволлар билан мурожаат этишмоқда.

Шу муносабат билан мухбиримиз жумҳурият «Союзпечать» агентлиги бошлиғи В. МАМАСОДИҚОВА билан суҳбатлашди.

— Вилоят Иброҳимовна, оммавий ахборот воситаларн нархининг кескин кўтарилиши кўпчиликка маълум тушмаяпти. Шунингсиз ҳам аҳоли ҳозир қийин шароитда яшамоқда. Кўрилган тадбир одамлар орасида оммавий ахборот воситаларига бўлган талабнинг камайишига олиб келмасмикан?

— Бир томондан олиб қараганда сўзларингиз тўғри. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда ҳам ҳозир мавжуд бўлган нашрларга обуна бирмунча қисқариши кутилмоқда. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Чунки қоғоз, полиграфия ва газета-журналларни тарқатиш хизматлари нархи ошмоқда. Шундай шароитда оммавий ахборот воситасининг нархларини илгаригисича сақлаб бўлмайди.

Шунинг учун барча газета ва журналларнинг нархи маълум миқдорда оширилди. Масалан, «Правда» газетасига обуна бўлиш учун янги йилдан 19 сўм 72 тийин, «Известия» газетаси учун 22 сўм 56 тийин «Сельская жизнь» газетаси учун 16 сўм 80 тийин тўлаш лозим. Энди бевосита жумҳурият газеталари ҳақида гапирадиган бўлсак «Совет Ўзбекистони», «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарининг обуна баҳоси 17 сўм 40 тийиндан, «Ёш ленинчи» газетасиники 12 сўм, «Ўқитувчилар газетаси»ники 8 сўм 28 тийин, «Ленин учқуни» газетасиники 2 сўм 88 тийин қилиб белгиланган.

Аммо шуни айтиш керакки, газетхонлар «Совет Ўзбекистони» ва бошқа газеталарни киосклардан сотиб олсалар, обуначиларга қараганда ютқизишлари мумкин. Масалан, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бир сони 8 тийин қилиб белгиланган. Уни йил мобайнида 256 маротаба чиқариш мўлжалланмоқда. Шунча газетани сотиб олган газетхон жами 20 сўм 48 тийин сарфлайди. Обуначи эса юқорида айтганимдек 17 сўм 40 тийин тўлайди, холос. Бунинг устига газета уларнинг уйларига етказиб берилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЖУМҲУРИЯТ ВА БУТУН ФЕДЕРАЦИЯ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

халқ хўжалиги комплексининг бир қисмидир. Демак, биз барча иттифоқдош жумҳуриятлар билан биргаликда, қўлни-қўлга бериб, тангликни бартараф этиш йўлларини қидириб топишимиз керак. Зотан бу жараённинг қандай кечишини, уни бирмунча енгиллаштиришни аниқлаб олиш ғоят муҳимдир.

Жумҳурият ана шу нуқтаи назарга амал қилиб, иттифоқ даражасида — бошқа жумҳуриятлар билан биргаликда — янги иттифоқ шартномаси ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг турли нусхаларини ишлаб чиқишда алоҳида манфаатдорлик билан иштирок этади. Маърузачи мамлакат ҳукумати ва ишчи гуруҳнинг таклифларини, бир қанча нуқтан назарлар юзасидан ёндашувларда уларнинг фикрларидаги энг муҳим тафовутларни батафсил таърифлаб берди.

Мажлисда ҳар иккала нусха кўриб чиқилди ҳамда хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, пул муомаласини соғломлаштириш, ижтимоий ҳимояланишга кафолат бериш ва аҳоли турли табақалари фаровонлигини ошириш сингари муҳим шартларга қараб баҳо берилди.

Давлат тузуми хусусида таклиф киритган муаллифларнинг муносабати, мулкнинг турли шакллари ўртасидаги нисбат сингари муҳим тафовутлар ҳам эътиборга олинди.

Масалан, иттифоқ ҳукуматининг дастури аслида унитар давлат ғоясини сақлаб қолган ҳолда илгаригидек марказлаштириш принципига асосланмоқда. Ишчи гуруҳ таклиф этган шартнома нусхаси жумҳуриятларнинг суверенитетига асосланади. Бунда улар халқ хўжалигини бошқариш структурасини мустақил шакллантириб, нарх белгилаш, бюджет, солиқ ва қарз бериш системасини ишлаб чиқадилар, ўзларининг аграр, уй-жой сиёсатини амалга ошириб, аҳолига ижтимоий кафолат бериш қоидалари ва механизмини белгилаб оладилар.

Умумий манфаатни кўзлаб, иттифоқ идоралари ташкил этилади. Жумҳуриятлар иттифоқнинг мудофаа қобилиятини сақлаб туриш, сўмнинг қийматини мустаҳкамлашга қаратилган ягона кредит — пул сиёсатини ўтказиш ва бошқа бир қанча тадбирларни амалга ошириш юзасидан ўзларга бир қанча ваколатлар беради. Жумҳуриятлар шартнома асосида умумий вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган қўшма ҳамда иттифоқ мулкини ташкил этадилар ва бошқарадилар.

Иқтисодий ислоҳотни ўтказишга оид асосий вазифалар жумҳурият бошқарув идоралари зиммасига юкланади. Ҳар бир мустақил жумҳурият бозор муносабатларига ўтишга оид комплекс тадбирларни мустақил ишлаб чиқади, бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги изчил тадбирларни белгилаб беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш суръатларида ҳам туб тафовутлар мавжуд. Масалан, СССР Министрлар Советининг дастурида давлат мулкини хусусийлаштиришни бир неча беш йиллик давомида, муқобил дастурда эса яқин икки-уч йил ичида амалга ошириш кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССРнинг энг муҳим нуқтан назари қуйидагича: у мустақил давлатларнинг янгиланган иттифоқи тарафдоридир. Бундай иттифоқ жумҳуриятлараро хўжалик алоқалари барбод бўлиши жараёнини тўхтатиш, иқтисодий интеграция омилларига муҳим янги негиз — ихтиёрийлик ва барча жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради.

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва жумҳуриятларни мажбур этишга эмас, балки мутлақо ўзаро манфаат ва тенг ҳуқуқли шерикчиликка асосланган иқтисодий интеграция орқали барча халқларнинг фаровонлигини таъминлаш, ҳамма жумҳуриятлар ва минтақаларни ривожлантириш, умумбашарий қадриятлар қоидаларини рўёбга чиқариш ана шундай иттифоқнинг мақсади бўлиши лозим.

Бунда жумҳуриятлар ва минтақаларнинг бозор муносабатларига ўтишидаги дастлабки шартларни бараварлаштиришга қаратилган аниқ мақсадни кўзловчи ишлар иттифоқ аъзолари чинакам тенг ҳуқуқлилигининг муқаррар шарти бўлиши даркор. Минтақаларни ривожлантириш фонди, иттифоқ маблағлари билан таъминланадиган ижтимоий ва халқ хўжалиги дастурлари, янги структуравий ва инвестиция сиёсати бундай сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлади.

Орол денгизи атрофидаги жуда катта минтақани қамраб олган экологик ва иқтисодий фалокат тафсилотларига яна бир бор эътиборни қаратамиз — фалокат миллион-миллион кишиларнинг саломатлигига фожиали таъсир кўрсатди, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган маҳрумликларга сабаб бўлди. Орол бўйида юз берган офатнинг сабаблари ва натижалари жумҳуриятлар доирасидан чиқиши аниқ. Бутун иттифоқнинг иштирокисиз аҳолининг ва Орол денгизининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган барча уринишлар беҳудадир.

Бизнинг ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатдики, «Орол» умумдавлат дастурини ва минтақалараро бошқа дастурларни рўёбга чиқариш учун, умумий жиҳатдан олганда эса — бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жумҳуриятнинг дастлабки шароитларини теңглаштириш мақсадида Ўзбекистоннинг етилган муаммоларини ҳал этиш учун иттифоқ бюджетидан анчагина капитал маблағ ажратиш талаб қилинади. Бу маблағ Ўзбекистон халқ хўжалигига сарфланаётган маблағнинг тахминан учдан бир қисмига тенг бўлиши керак. Шу нуқтан назардан қараганда, жумҳурият янги иттифоқ шартномасининг асосий қоидаларини шакллантиришда ўз манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Айни пайтда жумҳурият ҳукумати ана шу муаммолар иттифоқ даражасида ишлаб чиқилишини кутиб ўтирмай, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга доир кенг тадбирлар мажмуасини амалга оширишга киришди. Бунда Ўзбекистон манфаатларига амал қилиниб, регионал омиллар ва хусусиятларнинг хилма-хиллиги ҳисобга олинди, вужудга келаётган вазият пухта таҳлил этилди.

Мулкнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш жумҳурият иқтисодий мустақиллигини қарор топтиришнинг муҳим шартидир. Бусиз жумҳуриятнинг, реал мустақиллигини, хўжалик ҳисобида ишлаётган корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини, пировардида эса Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Бу жараёнлар хўжалик муносабатларида, аҳолининг ижтимоий тузилишида аҳоли турли табақаларининг даромадлари ва мулкий мавқеида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлишини ҳисобга олиб, мулкнинг хилма-хил шаклларига босқичма-босқич ўтиш зарур.

Тайёргарлик босқичида (1990 йил) ислоҳотнинг қонуний асослари вужудга келтирилади, методик ва йўл-йўриқ берувчи материаллар тайёрланади. Акционерлик, жамоа, хусусий корхоналарнинг хўжалик юритиш, шунингдек давлат мулки ва ресурсларини ижарага олиш омилини ишлаб чиқишга оид тажрибалар ўтказилади.

Янги иттифоқ шартномаси тузишга оид ҳужжатлар мажмуида **жумҳуриятларнинг ўз табиий бойликларига, ҳозирги вақтда иттифоқ қарамоғида бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг мулки ва пул маблағларига, ўз халқларининг тарихий ва маданий бойлиги бўлган буюмларга эгалигини тасдиқловчи ҳуқуқий нормалар белгилаб берилиши лозим.** Шу билан бирга жумҳуриятларнинг **ўз табиий ресурслари ва ҳудудларидан умумиттифоқ мақсадларида** фойдаланиш хусусида уларнинг иттифоқ билан ўзаро муносабатлари шакллари ва шартлари иттифоқ корхоналари ва ташкилотлари мулкига эгалик ҳуқуқларининг фарқланиши белгилаб берилади.

Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларни жумҳурият мулкига топшириш жараёни бошланади. Жумҳуриятларнинг ресурсларидан фаол фойдаланаётган, уларнинг халқ хўжалиги билан мустаҳкам алоқада бўлган ва асосан жумҳурият бозори учун ишлаб, иқтисодиётнинг самарали ривожланишига ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга катта таъсир кўрсатаётган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари биринчи навбатда шулар жумласига киради.

Биринчи босқич (1991—1992 йиллар)да иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларнинг кўпи жумҳуриятлар ихтиёрига берилганлиги ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштириб бўлинади, давлат-акционерлик жамиятларини, иқтисодиётнинг давлатга тегишли бўлмаган соҳасини шакллантириш давом этади, хорижий сармоя иштирокида қўшма корхоналар тузиш жабҳаси анча кенгайтирилади, ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида чуқур ўзгартишлар бошланади.

Айни вақтда жумҳурият мулки ва коммунал мулк бўлган йирик давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини акционерлаш жараёни кучайтирилади. Акцияларни амалда эркин сотиш кенгайтирилади (давлатга тегишли назорат миқдорини ташқари), бу эса сармоянинг тармоқлараро оқими шароитларини ўзгартиради. Меҳнат жамоалари ижарачилик асосида майда корхоналарни сотиб олиши, уларни хусусий кишиларга сотиш, шунингдек янги жамоа, кооператив ва хусусий шаклларни вужудга келтириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, уй-жой қурилиши, автотранспорт, чакана савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, бозор инфраструктураси соҳасида хусусий мулкка эгалик қилишни ривожлантириш асосида майда корхоналар давлат тасарруфидан жадал чиқа бошлайди.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичи (1993—1995 йиллар)да иттифоқ ва жумҳуриятлар, давлат ва давлатга қарашли бўлмаган иқтисодиёт соҳалари ўртасида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қайта тақсимлаш жараёни асосан тугалланади, мулкчилик турли шаклларининг ўзаро ҳаракатлари билан тавсифланадиган халқ хўжалигининг янги ижтимоий-иқтисодий структураси шаклланади.

Шундан кейин маърузачи мулкчиликнинг ранг-баранг шаклларига таянадиган саноат, қурилиш, транспорт, савдо корхоналари фаолиятининг турли йўлларини таърифлаб берди. У корхоналарнинг ҳам жумҳурият, ҳам Бутуниттифоқ миқёсидаги концернлар, консорциумлар, уюшмалар каби тармоқлараро йирик тузилмаларга қўшилиши жараёнлари кучайишини таъкидлади. Турли йўналишдаги тижорат банкларининг тармоғи ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларида рўй берадиган асосий ўзгартишлар мулкка кооператив бўлиб эгалик қилишни тиклаш, колхозлар мулкини тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш, ижара муносабатларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари соҳасида якка хўжаликларни шакллантириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш билан уйғунлаштирилади. Якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг аҳамияти ортади.

Майда товар ишлаб чиқаришда, тижорат ва мулкка эгалик қилиш борасидаги бошқача фаолиятда жамоа (меҳнат жамоаси), кооператив ва хусусий мулк шакллари мулкчиликнинг асосий шаклларига айланади. Кичик бизнеснинг фаоллиги, ижарачилар, кооператорлар, шахсий корхона эгаларининг ўз маҳсулотлари рақобат қобилиятини кучайтириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, молиявий ёрдам кўрсатиш, бошқарув соҳасидаги илғор тажрибани ёйиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида уларнинг уюшмаларини тузиш рағбатлантирилади.

Ҳукумат бозор муносабатларига ўтилаётганида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини алоҳида эътибор билан ишлаб чиқмоқда. Шу даврнинг салбий оқибатларини иложи борича юмшатиш мақсадида ҳимоя қилишнинг қуйидагилардан иборат самарали омилларини жорий этиш талаб қилинади:

— Меҳнатга лаёқатсиз аҳолини, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ишламайдиган пенсионерлар, ногиронлар, болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кафолот бериш;

— Аҳоли турмуш даражаси пасайганлигининг ўрнини қоплаш омиллари;

— Турмуш қиймати индекси ўзгариши, пулнинг қадрсизланиш жараёнлари ўсишига мувофиқ даромадлар индексациясининг омиллари.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тусдаги тадбирлар туркумини амалга ошириш назарда тутилади. Бунда аҳолини иш билан банд қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни асосий ҳужжат ҳисобланади. Қонунда фуқароларнинг иш танлаш, иш олиш ёки касб-ҳунарга қайта тайёргарлик кўриш ҳуқуқларини амалга ошириш, савдо корхоналари фаолиятининг турли йўлларини таъминлаш, шунингдек ишсизнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, унга нафақа тўлаш шартлари ва ҳажми белгиланиб, давлат томонидан бериладиган ана шу кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилади.

«Иш билан банд қилиш» жумҳурият давлат дастури ишлаб чиқилган тадбирларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жумҳуриятимизнинг барча шаҳар ва районларида иш билан таъминлайдиган ягона давлат идорасини тузиш режалаштирилган.

Ижтимоий пенсиялар ва стипендияларни жорий этиш, болалар учун нафақаларнинг ягона системасини қўлланиш назарда тутилади. Шу билан бирга аҳолининг мазкур тоифалари учун уй-жой, коммунал хизмат, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалардан фойдаланиш учун ҳақ тўлашда имтиёзлар белгилаш, бепул овқатланишни ташкил этиш, қатъий белгиланган нархларда кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар уйлари тармоғини кенгайтириш ва ҳоказолар мўлжалланмоқда. Шу мақсадда солиқ солишда тижорат савдоси кўнгилли равишда аниқ мақсад учун берилган бадаллар ҳисобига махсус жамғармалар тузилади.

Ўзбекистон ижтимоий соҳада орқада қолганлигини ҳисобга олиб, янги иттифоқ шартномасини тузишда дастлабки шароитларни теңглаштиришга олиб келадиган аниқ тадбирлар кўзда тутилган. Чунончи, жумҳурият манфаатларида молиявий — кредит сиёсати қайта кўриб чиқилмоқда. Бу ерда гап, биринчи навбатда, оборотдан олинадиган солиқдан жумҳурият бюджетига тушумларни ҳамда фойдадан олинадиган даромад фоизини кўпайтириш, пахта толаси ва бошқа хом ашё ресурсларини эркин сотиш учун қолдириладиган жумҳурият ҳиссасини кўпайтириш тўғрисида бормоқда.

1991 йил бюджетининг лойиҳасида давлатдан ажратиб олинган мулкдан даромад олиш биринчи марта режалаштирилган. Тугалланмаган қурилишларни сотиш, нормадан ташқари товар-моддий бойлик запаслари ва ўрнатилмаган ускуналарни сотишдан тушган маблағ марказлашмаган капитал маблағ билан таъминлашнинг манбаи сифатида назарда тутилган. Буларнинг ҳаммаси бюджетни 13,7 миллиард сўм миқдорида мутаносиблаштиришга имкон беради.

Молия бозори вужудга келтирилмоқда. Корхоналарнинг бўш молиявий ресурслардан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадида тижорат тарзида фойдаланиш унинг иқтисодий негизи бўлади.

Бозор ишлаб турган шароитда Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ва умуман иттифоқ билан ўзаро иқтисодий муносабатлари бутунлай ўзгаради. Бунда бошқарувнинг юзага келган қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик системасидан воз кечиш, тўлақонли, теппа-тенг, ўзаро фойдали алмашинув қоидаларини амалга ошириш назарда тутилади. Бу Ўзбекистон ССРнинг ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликларга, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг мол-мулкига эгалиги билан, жумҳурият қонунларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормалар билан белгиланади. Чунончи, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги мустақиллиги ҳам кўзда тутилган.

Айрим жумҳуриятлар ҳамда минтақаларни ривожлантириш даражасини теңглаштиришга сарфланадиган иттифоқ манбаларидан ва бошқа манбалардан маблағ бериш усуллари тубдан ўзгартирилади. Хўжалик юритишнинг янгича шароитида улар дотациялар ва субвенциялар шаклида эмас, балки жумҳурият ҳам, умуман иттифоқ ҳам манфаатдор бўлган умумитифоқ дастурларини аниқ бир мақсадни кўзлаб, пул билан таъминлаш шаклида бўлиши керак.

Янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш чоғида жумҳуриятларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини кучайтирган ҳолда давлатнинг яхлитлиги ва мустақиллигини таъминлаш билан алоқадор бўлган ваколатларнинг муайян аниқ бир доирасини иттифоқ ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир. Федерацияни ва ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, ривожланган Умумиттифоқ бозорини шакллантириш муҳимдир. Унда барча жумҳуриятлар теңг ҳуқуқли шериклар сифатида қатнаша оладилар.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда Ўзбекистон ССРнинг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳамда Қозоғистон билан иқтисодий алоқалари йўлини танлаб олиш алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур жумҳуриятлар раҳбарларининг учрашуви бундай ниятларнинг тўғрилиги ва самарадорлигини, уларнинг ўзаро фойдали эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Жумҳурият халқ хўжалигини бошқариш структурасининг янги йўналишлари ва уни қайта қуришга ёндашувлар шакллантирилмоқда. Уларда:

— Асосий ишлаб чиқариш бўғини билан министрликлар ва идоралар ўртасидаги хўжалик ҳисоби муносабатлари;

— Бирлашмалар ҳамда корхоналарга министрликлар ва идоралар таркибидан чиқиш, ўз фаолиятини давлат мулкини ижарага олиш асосида мустақил амалга ошириш имкониятини бериш;

— Мулкчиликнинг турли шакллари негизида уюшмалар, акционерлик жамиятларини тузиш;

— Аҳолининг ўзгариб бораётган эҳтиёжини тез ҳисобга оладиган майда ва ўрта корхоналарни кенг ривожлантириш, ресурслар дан самарали фойдаланиш, янги иш жойларини яратиш;

— Министрликлар ва идораларни ишлаб чиқарувчиларга бевосита бошчилик қилишдек ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилиш ҳамда уларнинг куч-ғайратини тармоқларнинг истиқболда ривожланишига, фан-техника тараққиётига, бозорнинг аҳволини олдиндан аниқлашга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига сафарбар этиш;

— Маҳаллий Советларнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги ҳуқуқлари ва масъулиятини кенгайтириш;

— Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан муносабатларини бошқариш вазифаси юкланадиган махсус бошқарув идораларини тузиш;

— Умумиқтисодий идоралар вазифасини ўзгартириш ва аҳамиятини ошириш, уларни бозор хўжалигининг етилган эҳтиёжларини тартибга солувчи таъсирини ҳисобга олиб, қайта ташкил этиш ва уйғунлаштириш назарда тутилади.

1991 йил плани тузилаётганидан бозор муносабатларига ўтиш вазифалари ва шароитлари ҳисобга олинган. Айни вақтда 1991 йилда бутун мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга доир жумҳуриятнинг бир қанча таклифлари тайёрланди. Гап ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарорлаштириш ва кўпайтириш тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмлари ва унинг хилларини пишиқтириш, иттифоқдош жумҳуриятлар иштирокида дастлабки шартларни теңглаштиришни ҳисобга олиб, 1991 йил бюджетини шакллантириш тартиби ва унинг кўрсаткичларини белгилаш ҳақида бормоқда.

— Бозор муносабатларига ўтаётганимизда Ўзбекистон ва бутун федерация манфаатларига асосланиб, ўзгартишларнинг шакллари, усуллари ва муддатларини танлаб оламиз, — деди сўзининг охирида Ш. М. Мирсаидов. — Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсатимизнинг ютуғи бугунги кунда жумҳуриятимиздаги барча соғлом кучларнинг бирлашишига, уюшқоқлигига, Ўзбекистон иқтисодиётини соғломлаштиришга доир долзарб тадбирларни муваффақиятли амалга оширишга боғлиқ.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг раиси, жумҳурият Олий Совети комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, бир қанча йирик корхоналарнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Олий Совет Президиуми ҳукумат маърузасидан баён этилган асосий принциплар ва қоидаларни айтилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истакларни ҳисобга олган ҳолда умуман маъқуллади. Янги иттифоқ шартномасини тузиш ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастурини ишлаб чиқишга доир жумҳуриятимизнинг позициясини СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советига тақдим этишга қарор қилинди.

Ушбу ҳужжатларни Ўзбекистон ССР Олий Совети комитетларида, халқ депутатлари Советларида, министрликлар, идораларда, илмий муассасалар, жамоат ташкилотларида муҳокама қилишни давом эттириш ва пишиқтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов бошқарди.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТА—МУШТАРИЙЛАР БИЛАН ҲАМЖИҲАТ, ҲАМКОР, ҲАМДАРД

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бу йилги обунанинг ўзига хос томонларидан яна бири унинг алоқачилар билан нашр этувчилар ўртасидаги шартнома асосида олиб борилаётганлигидир. Обуна якунлангач, обуначилар сони ҳақида маълумот берамиз ва чакана савдога бериладиган газета ва журналлар сонини белгилаймиз. Шундан сўнг муайян нашрнинг янги йилдан қанча миқдорда чиқиши аниқланади.

— Бундан чиқдики, талаб ортиши натижасида айрим нашрлар кундалик тиражи ошиб кетиши, аксинча баъзиларинники камайиб кетиши мумкин эканда?

— Худди шундай. Агар газета муштарийлар эътиборини тортадиган қизиқ-қизиқ материаллар бериб, уларни ўзига жалб қила олса, албатта, мухлислари кўпаяди. Газетхонлар кўнглидагидек чиқмаётган нашрларга эса талаб камаяди. Ў ёки бу газета ва журналнинг мухлиси қанчалигини обуна якуни кўрсатади.

— Агар илгари кам нусхада чоп этилаётган нашрларнинг айримларига талаб ортгудек бўлса, уларнинг кундалик сонини кескин кўпайтириш имконияти борми?

— Менимча бор. Республикамизда чиқадиган газета ва журналларга обуна бўлишда ҳеч қандай чеклаш йўқ. Ким қайси нашрни хоҳласа истаганча обуна бўлиши мумкин. Юқорида айтганимдек, газета ва журналларнинг тиражи янги йилдан асосан обуна бўлган муштарийлар сонига қараб белгиланади.

— Обуна бўлиш ва уни амалга ошириш тартиблари ҳақида гапириб берсангиз.

— У ёки бу газета ва журналга обуна бўлишни хоҳлаган киши ўзи яшаб турган жойидаги «Союзпечать»нинг исталган бўлимига мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари почтальонлар, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлардаги жамоатчилар ҳам обуна ишига жалб этилади. Обуна муддати марказий ва республика нашрлари учун 1 сентябрдан 31 октябрга қадар давом этади. Қардош республикалар газета-журналлари учун обуна муддати ўша республикалар билан тузилган шартномаларга мувофиқ улардан келадиган каталогларга қараб белгиланади.

— Чет эл нашрларига ҳам бир вақтда обуна бўлиш мумкинми?

— Чет эл оммавий ахборот воситалари учун обуна 1 октябрдан бошланади ва у бор-йўғи бир ой давом этади. Менимча, бунинг учун тайёргарлик кўриб қўйилса ёмон бўлмайди.

Биз обунанинг муваффақиятли ўтиши учун қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёрмиз. Жойлардаги алоқа бўлимларида обуна пунктлари ташкил этилган. Ҳар ўн кунда сим орқали кенгаш ўтказиб, обунанинг боришини назорат қилиб турамиз. Зарур маълумотлар тўпланиб, керакли жойларга етказиб турилади.

Менимча, бу муҳим ишда редакцияларнинг ходимлари ҳам фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Обунанинг муваффақияти уларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлигини унутмасликлари керак. Муштарийлар эса барча зарур ҳужжатларни аниқ тўлдиришлари талаб этилади. Ана шунда обуна нашрлари уларга ўз вақтида, мунтазам етказиб берилишига эришиш мумкин.

— «Совет Ўзбекистони» жамоаси рўзноманинг янада қизиқарли, ўқимишли бўлиши, муштарийларнинг севимли маслаҳатгўйига айланишига катта эътибор беряпти. Бу борада аниқ режалар белгилаб, уларни тўла амалга ошириш учун ҳаракат қилинаётир. Айни кунларда вилоятларда газетхонлар билан мулоқотлар ўтказилмоқда. Журналистлар газетхонлар билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини синчковлик билан ўрганишяпти.

Биз ана шу фикрларни инобатга олган ҳолда рўзнома ҳар бир сонининг ўқувчига манзур бўладиган тарзда чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Шунга кўра партия ҳаётига, партиянинг омма билан алоқасига оид муаммолар чуқурроқ ёритилади. Ҳозир ҳамма ерда ҳокимият Советлар қўлига ўтмоқда. Советлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, аҳолига маданий, маиший, медицина хизмати кўрсатиш, халқ маорифи, олий таълим, маданий меросга муносабат, адабиёт ва санъат муаммоларига оид материаллар ҳам диққат марказимизда бўлади.

Меҳнаткашлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш — бош йўлимиздан бири бўлиб қолади. Уларнинг хатларидан янада кенгроқ фойдаланилади. Газетхонлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиб, уларнинг маслаҳатлари, таклиф-истаклари асосида ишимизга янгиликлар киритиб борамиз. Обуна бошланган ҳозирги кунларда газетамизнинг доимий ўқувчилари ўзларининг севимли рўзномаларига тезроқ обуна бўлишларига ишонамиз.

— Шундай бўлишига биз ҳам тарафдормиз.

Суҳбатни
К. РИХСИЕВ олиб борди.



Қўли гул усталар

Сир эмас, маиший хизмат соҳаси сергалва, сермуаммо тармоқ. Чунки бу тармоққа иши тушмаган кишининг ўзи йўқ. Уларнинг ҳаммасини ҳам бирдек кўнглини овлаш қийин.

Янгийўл шаҳридаги радиоаппаратураларга марказлашган техник хизмат кўрсатиш фирмаси ходимларининг бу борада юзлари ёруғ.

— Бироқ, — дейди марказий устахона бошлиғи Санд Чўлпонов, — ишимизни қийинлаштираётган камчиликлар ҳам кўп. Янгийўлдек катта бир шаҳарда биттагина бизнинг устахона бор. У ҳам бўлса марказдан анча олисда. Бу одамларга ноқулайликлар туғдирмоқда. Ишимизни яхшилаш учун шаҳарда бир нечта қабул пунктлари очишимиз лозим.

Суратда: устахонанинг илғор ишчилари Худойберди Ҳусанов, Суннат Аллаберганов ва Ғанижон Назаров.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

АГРАР СИЁСАТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Деҳқончилик-саноат комплекси комиссиясининг мажлиси бўлди.

«Ўзбекистон ўрмони» комплекс иш программасини тузиш ва уни 2005 йилгача бажариш йўллари тўғрисидаги масалалар, табиатни муҳофаза қилиш жамияти жумҳурият кенгашининг «Заҳарли моддалардан, минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳамда ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг биологик усулини жорий этишдаги камчиликлар ҳақида»ги хати муҳокама қилинди. Жумҳурият партия ва хўжалик идораларининг 1991—1995 йилларда ва 2000 йилгача вино саноатини ривожлантиришни таъминлашга доир вазифалари кўриб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, комиссия раиси А. И. Икромов бошқариб борди.

Мажлис ишида жумҳурият Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

ГЕНЕТИКА ИНСОН ХИЗМАТИДА

Москва, Ленинграддан, мамлакатнинг бошқа илмий марказларидан келган юз нафардан ортиқ олим 31 август куни Тошкентда ўз ишини тугаллаган ривожланиш генетикасига бағишланган иккинчи Бутуниттифоқ кенгаши ишида қатнашдилар. Улар уч кун давомида халқ хўжалигида фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўлланиш масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон академия институтлари иши билан танишдилар.

Кенгашда ривожланиш генетикаси жамият олдида турган зироат унумдорлигини ошириш, чорва молларининг зотини яхшилаш, инсондаги наслдан-наслга ўтувчи касалликларни даволаш ва бошқа муаммолар мажмуини ҳал қилишга имкон бериши таъкидланди. Бу фаннинг замонавий йўналишларидан бири — атроф муҳитни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг генетик усулларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бу муаммолар Ўрта Осиё регионида, хусусан, Ўзбекистонда етарли ўрганилмаётганлиги кенгашда айтилди. Шу сабабли бу ерда кўпгина етилган масалаларни ҳал қилишда олимларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш учун генетика институти ташкил этиш зарурати етилди.

(ЎзТАГ).

• Бугун—Билимлар куни •

ҲАММАСИ КЕЛАЖАК АВЛОДИМИЗ УЧУН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Олий ўқув юртларига ижтимоий фанлар ўқитиш дастурини талабаларнинг хоҳиш-истаклари, ўқув юртининг ихтисосий йўналиши, миллий ва маҳаллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш ҳуқуқи берилган. Олий ўқув юртларига асосий фан сифатида ёки ихтиёрий (факультатив) асосда қўшимча равишда «Жаҳон ва Ватан маданияти тарихи ва назарияси», «Сиёсатшунослик» («Политология»), «Ижтимоиётшунослик» («Социология») ва бошқа фанларни ўқув режаларига киритиш тавсия этилди. Ҳозир барча ўқув юртларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» курси жорий этилмоқда.

Маълумки, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакаларини ошириш 1989 йил декабридан бошланди. Янги ўқув йилидаги янгиликлардан яна бири жумҳуриятимиз олий ўқув юртларининг барча талабалари 100 фоиз стипендия билан таъминланадилар.

Бу йил Бутуниттифоқ иқтисод жамиятининг жумҳурият ҳайъати олий ўқув юртларидаги иқтисод ихтисоси бўйича ўқиётган энг аълочи талабалар учун 21 та махсус стипендия таъсис этди.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизнинг хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқалари ривожланиб бормоқда. Янги ўқув йилида ўқишга, ўқув ва илмий стажировкага 280 нафар талаба ва ўқитувчи, олимларимиз турли хорижий мамлакатларга борадилар, шулардан 175 нафари валютасиз ўзаро манфаатдорлик асосидаги таклаба ва ўқитувчилар алмашиш йўли билан амалга оширилади. Олий ўқув юртларимиз хорижий мамлакатлар дорилфунунлари ва институтлари билан бевосита алоқа ўрнатиш ҳуқуқига эгалар.

— Партия ва ҳукуматимизнинг умумий таълим ва олий мактаб соҳасидаги қарорлари қандай бажарилмоқда?

— Иқтисодиётни қайта қуриш, сиёсий тузумни ислоҳ этиш, жамиятимиз ҳаётининг демократиялаштириш мамлакатимизнинг ақлий ва маънавий имкониятларини ҳар томонлама фаоллаштиришни, мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашни талаб этади. Уларнинг умумий ва ихтисос савиясининг юқорилиги, сиёсий етуклиги қайта қуришнинг асосий муаммоларини муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.

Бундай шароитда олий таълимнинг ривожланиш стратегияси партия ва ҳукуматимизнинг 1987 йил март ойидаги қарорларига асосланади.

Долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ўқув жараёнини илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан бирлаштиришдан иборатдир. Бунда машғулотларнинг бир қисмини ўқув жараёнининг муайян босқичида муассасаларда энг янги техника ва технологияни қўллаган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириш юзасидан, бунинг ташкилий шакли сифатида янги типдаги олий ўқув юрти — тажриба ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси — Тошкент машинасозлик институтини айтиб ўтишимиз мумкин. Кўплаб кафедраларнинг филиаллари бевосита ишлаб чиқаришда ташкил этилди. Бу талабалар учун ишчи малакасини эгаллашдан тортиб, то диплом лойиҳасини ҳимояга тайёрлашгача шароит яратадиган узоқ муддатли ишлаб чиқариш тажрибаси ташкил этиш имконини беради.

Шу билан бир қаторда олий ўқув юртлари кафедраларининг 30 дан ортиқ филиаллари Фанлар академиясида ташкил этилди.

Жумҳурият Министрлар Кенгашининг шу йил март ойидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун Улуғбек номидаги жумҳурият жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги қарори бундай ёшларни танлаб олиш, ўқитиш учун шароит яратишдаги вазифа ва муаммоларни ҳал этишда муҳим одим бўлди. Бу вазифани амалга ошириш учун умумий ва олий таълимнинг барча босқичларини мактабдан бошлаб то аспирантура, докторантурада юқори малакали кадрларни тайёрлашгача бўлган ишларини қамраб олмоғимиз лозим.

Вазирлигимиз партия ва ҳукуматимизнинг олий таълимни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини муттасил ҳаётга татбиқ этишда жумҳурият Олий Кенгаши маданият, фан, халқ таълими, маданий меросни асраш комитетининг ва халқ депутатларининг таянчига суянмоқда, уларнинг тавсия, таклиф, сўровларига жавобан вилоятларимизда олий ўқув юртлари очиш, уларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бормоқда.

Яқин келажакдаги режаларимизга кўра, Фарғона вилоятида дорилфунун, Наманганда саноат-технология институти, пойтахтда эса дорилфунун қошида Шарқ халқлари институти ташкил этилади. Политехника институтининг архитектура ва қурилиш факультетлари асосида мустақил меъморчилик қурилиш институти ташкил этилиб, уни ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси даражасигача ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Янги ўқув йили билан барча талабаларни қутлайман ва уларга муваффақиятлар тилайман!

ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ

Саида Зуннунова номли Бўз педагогика билим юрти ташкил этилганига 10 йил тўляпти. Бу қисқа давр мобайнида Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг чўл минтақалари учун минглаб ёш кадрлар етказиб берилди. Бугунги кунда мактабгача тарбия муассасаларида, бошланғич синфларда ишлаётган ёшлар билан фахрланамиз.

Бу йилги қабул ҳам ғоят ҳаяжонли ўтди. Болалар билан ишлашга меҳр қўйган билимдон йигит-қизлар саралаб олинди. Илк бор мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси бўлимига 30 нафар йигит-қиз қабул қилинди.

Билим юртимизда ёшларни ватанпарварлик, байналмилаллик ва нафосат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Билим масканимиз ҳовлисида Фурқат, Горький, Ойбек, Миртемир, Саида Зуннунова сингари атоқли адибларимизнинг бюстлари ўрнатилган.

Талабаларнинг чуқур билим олишлари ва уларнинг ҳар томонлама камол топишлари диққат марказимизда турибди. Бунинг учун 36 та фан хоналари мавжуд. Ёпиқ телестудия орқали тарбиявий соатлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Хассос шоира ва адиба Саида Зуннунова хотираси музейи эса янги-янги экспонатлар билан бойиб бормоқда.

Т. НИЗОМОВ,
Бўз педагогика билим юрти директори.



Наманган вилояти. Янгиқўрғон ноҳиясининг «Зарбдор» бўлими шифохонаси тиббиётчилари халқ саломатлигини тиклаш йўлида тинмай изланмоқдалар. Яқинда шифохона қошида ана шундай эзгу мақсад билан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва боқувчисини йўқотган оилаларга хизмат кўрсатиш бўлими иш бошлади. Тез орада 23 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва 11 нафар оғир жудоликка учраган кишиларга намунали тиббий хизмат кўрсатилди.

Суратда: 40 йиллик тиббиёт тажрибасига эга Турдиали Нишонов Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ёқубжон Ўрмонов ҳузурида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

Тошкентда Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмасининг съезди ўз ишини тугаллади. Делегатлар тармоқдаги муаммоларни муҳокама қилдилар ва касаба уюшмаларининг янги иқтисодий шароитлардаги вазифаларини белгилаб олдилар.

ҚУРУВЧИЛАР КАСАБА УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИ

Съездда тармоқ касаба уюшмасининг жумҳурият ва мамлакат касаба уюшмалари федерацияси таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилинди. Касаба уюшмасининг устави ва дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси жумҳурият комитетининг раиси этиб Ш. У. Ёқубов сайланди.

Съездда Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов, мамлакат тармоқ касаба уюшмасининг раиси Г. Д. Аржанов нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ҲОЗИРЧА УЧ МУТАХАССИС

Нукус шаҳрида Тошкент политехника институти умумий техника факультетининг очилиши Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида катта байрам сифатида кутиб олинди. Умумий техника факультетига яхши жиҳозланган аудиториялар, кабинетлар, лабораториялардан иборат Нукус шаҳридаги қурилиш техникумининг иккинчи қавати ажратиб берилди. Янги ўқув йилида 75 студент таълим олади. Талабаларга таълим бериш учун Нукус давлат дорилфунуни ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалидан билимдон, тажрибали ўқитувчилар, илмий ходимлар жалб қилинди. Биринчи машғулотнинг ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошланиши учун зарур асбоб-ускуналар, қўлланмалар, ҳар хил адабиётлар ва ўқув қуролларн билан таъминланди.

Факультет деканати талабалар билимни пухта эгаллашлари ва уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор беради. Ётоқхона етарли. 1 сентябрдан бу ерда кутубхона, спорт зали мунтазам ишлайди. Ошхона, тамаддихона, қандолатхона студентлар хизматида.

Умумий техника факультетида уч мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Келажакда Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятига зарур бўлган бошқа мутахассислар ҳам тайёрлаш имконини беради.

Т. АТАМУРАТОВ,
Тошкент политехника институти Нукус шаҳридаги умумий техника факультетининг декани.



Саводхонлик йилининг биринчи сентябрида Тошкентдаги 59-мактаб ўқитувчиси жумҳурият халқ маорифи аълочиси Бадриддин Насриддинов ўзининг муаллимлик фаолиятининг 41-ўқув йилини бошлади.

Суратда: устоз Б. Насриддинов 11-синф ўқувчилари даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШ СОҲАСИ ТУБДАН ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ТАЛАБ ҚИЛАДИ. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КЕСКИН БУРИЛИШГА ЭРИШИШ ЗАРУР. УЙЛАРДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ШОҲОБЧАЛАРИНИ, КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТЛАРИНИ, ҚИШЛОҚДАГИ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ — МАКТАБ КОМПЛЕКСЛАРИ ШОҲОБЧАЛАРИНИ ФАОЛЛИК БИЛАН КЕНГАЙТИРИШ ЛОЗИМ.

(Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди материалларидан).



ВАҚТ КЕЛДИ

Янги ўқув йили бошланяпти. Биз яқинда ўзбек тилининг давлат тили деб Қонун билан тасдиқланганининг бир йиллигини ҳам нишонлаймиз. Албатта, жойларда ўзбек тилини тарғиб этиш, қўлланиш, ўрганиш борасида олиб борилган ишларни инкор этиб бўлмайди. Лекин назаримда, кўпчилик ҳанузгача бу борада чуқур мулоҳаза юритмаётир. Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия, совет ташкилотларининг эътиборсизлиги кишини таажжублантиради. Оқибатда Қонунни бажариш мумкин бўлган имкониятлардан ҳам фойдаланилмаётир. Бу ҳолни Жиззах шаҳрида яққол кўриш мумкин.

Яна бир мулоҳазам бор. Шифокорларнинг касаллик варақасини тўлдиришни ўзбек тилига кўчиришлари учун вақт келди, деб ўйлайман.

Х. ЭРГАШЕВ,
Жиззах шаҳридаги 22-ҳунартехника билим юрти ўқитувчиси.

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Йиллар давомида план тўлмаса айбни об-ҳавога тўнкадик. Декабрь ойининг охирларида ҳам пахта терган пайтларимиз бўлган. Аслида эртапишар навлар ҳам, имконият ҳам бор эди. Биз эса фақат об-ҳавонинг ва ёрдамчиларнинг мурувватига таяниб қолдик. Ана шу туфайли бугунги кунда мураккаб вазиятдан чиқиш учун жон-жаҳдимиз билан курашяпмиз. Менимча, ҳозирги вазиятда ҳар бир деҳқоннинг фаоллиги, оқилона иш тутиши катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари партия, совет ва хўжалик идораларининг пахта ҳосилини ўз вақтида ҳамда сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида» ўз вақтида қарор қабул қилди. Ана шу муҳим ҳужжатда ҳам пахта ҳосили пишиб етилаётган пайтда ишни қандай ташкил этиш ва теримни муваффақиятли ўтказиш юзасидан аниқ йўлланмалар берилган. Эндиги гап ушбу тадбирлардан тегишли хулоса чиқариш ва уни ҳар бир хўжалик ҳамда бригадада ўринли қўллай билишдадир.

Жамоа хўжалигимиз деҳқонлари «қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» ҳикматли сўзининг мағзини чақишган. 1288 гектар майдонда пахта чамандек очилиб турибди. Пахтанинг бу қадар эрта пишганлигини ҳамқишлоқларимиз яқин 10-15 йил ичида кўришмаган. Хўш, бунинг боиси нимада?

Биз деҳқончиликда ҳеч бир янгилик яратганимиз йўқ. Фақат ундаги агротехник юмушларни тажриба, билим асосида ўз вақтида, мукаммал бажардик. Ғўзани ўғитга, сувга зориқтирмадик. Далада ишловчиларга шароит яратиб бердик. Мисол учун сувчилар ҳар бир суғоришдан кейин меҳнатнинг натижасига қараб пул олишди. Менимча, колхозчиларга ҳар бир агротехник тадбирдан кейин ишнинг натижасини кўриб ҳақ тўлаш катта аҳамиятга эга.

Бизда баъзан юқоридан бериладиган кўрсатмаларни кўр-кўрона қўлланиш иллати бор. Ипатоволиклар, зарарёликлар ва бошқа ҳар хил усулларни қўллаяпмиз деб ўзимизнинг шароитни унутиб қўйдик. Техника воситаларини у хўжаликдан бу хўжаликка ўтказиб шалағини чиқардик. Мавжуд тажрибамга асосан айтмоқчиманки, ўз имкониятини чамалай билган, шароитига қараб иш тутган деҳқонгина ютқазмайди. Масалан, хўжалигимизда 11 минг нафар аҳоли бор. Колхозчи эса 1 минг 13 нафар. Хўш, ҳозирги шароитда биз ҳосилнинг 100 фоизини машинада териб олсак, колхозчини нима билан боқамиз? Ёки ижара пудратига ўтсак «ортиқча» бўлиб қоладиган 500 нафар колхозчини қаерда ишлатамиз? Биз ана шуларни ҳисобга олиб йиғим-теримда қўл кучини ҳам, машиналарни ҳам баравар ишлатишни лозим кўрдик. Ўзаро келишиб олганмиз: қўл терими да қатнашаётганларга иш ҳақи ҳар 5 кунда берилади, механизаторларга эса 15-20 кунда. Бунинг учун учта хазиначи ажратганмиз.

Шу ўринда бир арзимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Хўжалигимиздаги 17 та бригада учун бор-йўғи 14 та терим агрегати бор. Уларнинг ҳам мавсум давомида бенуқсон ишлашига кўзим етмайди. Чунки мабодо бузилиб қолса, эҳтиёт қисмларни топиш амримаҳол. Жумҳурият вилоят ва ноҳия агросаноат уюшмаси раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор боришлари керак. Биз тажрибали фидойи механизаторларимиз кучи билан мавжуд техника воситаларини теримга шайлаб қўйдик. КПСС аъзоси Тошмурод Нормуродов 83 гектар майдонга ўзи чигит экди, ғўзага ишлов берди, ҳосилни ҳам ўзи териб олмоқчи. Сайдулла Ҳамроев, Темир Тўқсонов ҳам ана шундай ният қилганлар.

Дарвоқе, мавсум давомида далада ишлаётганлар учун барча шароитларни муҳайё этиш катта аҳамиятга эга. Деҳқон кўнгли тўқ бўлса, унинг меҳнатига унум энади. Шу боисдан доимий ва мавсумий болалар боғчалари кўнгилдагидек ишлаб турибди. 14 та шийпонимизда тушлик қилиш ва ҳордиқ чиқариш учун шароитлар яратилган. Ҳар битта шийпонга 70 сўм маош билан хизматчи тайинлаганмиз. Оромгоҳ атрофига сабзавот, полиз экинлари экилган.

Хуллас, деҳқон меҳнати, машаққати, ташвишлари зое кетмади. Бугун далаларимизда пахта чаман бўлиб очилган. Жамоа хўжалигимиз аъзолари ҳосил теримини қисқа муддатда тугаллаш ва ҳар гектаридан камида 30 центнердан пахта йиғиштириб олиш учун астойдил бел боғлаганлар.

О. ШЕРНАЗАРОВА,
Нарпай ноҳиясидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ҲОСИЛ—90: МАВСУМ АРАФАСИДА

БИРИНЧИ МАРТА

Собир Раҳимов ноҳиясида ташкил этилган янги 106-мактаб-интернат педагогика жамоаси 1990—1991 ўқув йилини катта куч-ғайрат билан бошлаяпти. Бу билим даргоҳи заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган бўлиб, улар бор жойда ўқиш, тарбияланиш ва ҳунар ўрганиш имкониятидан баҳраманд бўладилар.

Педагогика фанидаги бу соҳанинг таълим тарбия ишларида ўзига хос машаққатлари ҳам бор. Илгари бундай заиф болалар одатда рус тилида ўқитилар, дарсликлар, ўқув тавсияномалари ҳам шу тилда тайёрланар эди. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда тажрибали педагогларимиз Ф. Алимхўжаева, М. Холмуҳамедова, У. Файзиева, М. Исҳоқова ва бошқалар ўзбек тили ва маданияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда мактаб-интернатимиз учун она тилида биринчи марта дарслик ва тавсияномалар яратишди.

Мактаб-интернат жумҳуриятда ягонадир. Болалар бу ерда 10 йил тарбия кўрадилар. Беш ва олти ёшли болалар учун алоҳида боғча бўлиб, янги ўқув йили учун унга 50 га яқин кичкинтой қабул қилинди. Барча синфлар бўйича 260 ўқувчи таълим олади. Улар турли фанларни ўрганишлари билан бирга дурадгорлик, темирчилик, тикувчилик касбларини ҳам ўрганадилар ва етуклик аттестати билан гувоҳномалар оладилар. Бундан ташқари ўзбек миллий чолғу тўғаракларида санъат сирларини ўрганадилар.

Мактаб-интернат жамоаси махсус қулай бинога кўчиб ўтди. Таъмирлаш ишлари учун 100 минг сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

С. ОБИДОВ,
106-мактаб-интернат директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ТАҲЛИЛ АСОСИДА

Мактаб ишини қайта қуриш муаллимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш соҳасида ҳам янги мазмун ва иш услубларини жорий этишни тақозо қилади. Ҳозирги кунда ҳам эски услубда дарс ўтаётган ўқитувчилар йўқ эмас. Улар малакасини оширишдаги (илгари эътибор берилмаган) бир қанча жиҳатларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш зарур. Ўқитувчининг савияси, тайёргарлиги, маҳорати, талаб-истаклари, ижтимоий аҳволига қараб малака оширишнинг янги шаклларини татбиқ этиш, жумладан, юқори малакали ўқитувчиларни ойлаб ўқитиб ўтирмай, экстернат йўли билан уларга ҳужжат бериш мумкин. Айниқса, ёш болали ўқитувчилар учун малака оширишни шахсий режа асосида ташкил этиш, машғулотларни таянч мактабларда, йўл-йўриқ жойларида ўтказиш зарур. Ишдан ажралмаган ҳолда курслар уюштириш, ижодкор ўқитувчиларни ихтиёрий равишда шахсий режа асосида эркин тингловчи сифатида ўқитиш, улардан машғулотларда маърузачи сифатида фойдаланиш тажрибасини ёйиш керак. Шу билан бирга ўқитувчилар учун энг қулай, мазмун жиҳатдан ҳозирги талабларга мувофиқ бўлган янги иш услубларини дадил синаб кўриш ва татбиқ этиш даври келди.

Бу соҳада биз малака оширишнинг анъанавий турлари билан бирга давра суҳбатлари, мунозаралар, ижодкор ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш юзасидан курслар, махсус семинарлардан ҳам фойдаланяпмиз. Шу нуқтаи назардан Бухоро, Хоразм, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Районлар, шаҳарлардаги мактабларда йўлга қўйилган методик ишлар самарадорлигини ўрганиб, ижобий ютуқларни кенг ёйиш, айниқса, жойларда ўқитиш аҳволини ҳолисона ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалда қўлланиш яхши натижалар бермоқда.

Бу масалада биз чуқур таҳлил асосида ўтказиладиган педагогик диагностика усулларини қўллана бошладик. Бунда мактаблардаги методик бирлашмалар ишини тўғри ташкил этиш ва бу ишнинг ҳақиқий натижа берадиган йўналишда бўлишини таъминлаш зарур. Айрим мактаблардаги турли методик бирлашмалар асосан қоғозда иш олиб боришларига чек қўйиш зарур.

Ж. ИУЛДОШЕВ,
К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти ректори.
Тошкент.

ИМТИЁЗДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ

● Иштихон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида меҳнаткашлар шахсий чорва хўжалигини ем-хашак билан таъминлашга эътибор берилмоқда.

Хўжалик хонадонларига ем-хашак тарқатиш учун алоҳида транспорт ажратилган.

— Одамлар беда ўрилаётган майдонга бориб, овора бўлишмайди, — дейди жамоа хўжалиги раиси Элмурод Улуғмуродов. — Белгиланган кишилар уйма-уй озуқа тарқатишади. Бунда талон-торожликка, адолатсизликка ҳам йўл қўйилмайди. Кўп болали оилаларга, уруш ветеранларига, сувчи ва механизаторларга биринчи навбатда озуқа тарқатилади.

Хўжалик худудидаги 339 оиланинг барчаси жумҳурият Президенти Фармонига асосан имтиёздан баҳраманд бўлмоқда. Уларга 100 тонна ғалла тарқатилди. Бундан ташқари 1 тоннадан қуруқ беда ҳам берилди.

Ф. ТОШЕВ.

ВЕТЕРАНЛАР КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

30 август куни Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми бўлди. КПСС XXVIII съездининг якунлари ва ветеранлар жамоатчилигининг вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан кишилар ветеранлар КПСС XXVIII съезди ўртага қўйган ижтимоий масалаларни бажаришда партиянинг мустаҳкам таянчи эканлигини таъкидладилар. Энг қийин даврларда партия уларнинг донишмандлиги ва тажрибасига таянади. Кекса авлод айниқса ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг турмуш шароити тўғрисида ғамхўрлик қилиш, партия ва ҳукумат қарорларини аҳоли орасида тарғиб этиш, ёшларни байналмилалчилик ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ветеранлар ташкилотлари ишидаги асосий вазифалар эканлиги айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, деб таъкидланди пленумда, ветеранларнинг шаҳар ва район кенгашлари «Саломатлик» ва «Ғамхўрлик» дастурларини бажаришда етарли қатъият кўрсатмаяптилар. Аҳоли, айниқса ёшлар орасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда фаол ветеранлардан суст фойдаланилмоқда.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков нутқ сўзлади.

Пленум иштирокчилари жумҳуриятнинг барча ветеранларини бирдамликка ва дўстликка, КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш борасида бунёдкорлик фаолиятига даъват этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР Президенти мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида Фармон қабул қилди

Илгари хабар қилинганидек, СССР Президенти М. С. Горбачев аҳолини тамаки маҳсулотлари билан таъмин лашдаги танг вазият сабабларини тушунтириб беришни бир қанча мансабдор шахслардан талаб қилди. Тамаки бозоридаги танглик сабаблари хусусида келтирилган далиллар ва изоҳлар ишонарли ва асосли эмас, деб топилди. СССР Президенти 30 август куни Фармон қабул қилди.

СССР Президенти **қарор қилди:**

1. Тамаки ишлаб чиқариш камайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлиги, тамаки саноати ишида ўпирилишга йўл қўйганлиги, бу аҳвол мамлакатнинг кўп районларини тамаки маҳсулотлари билан таъминлашда узилиш бўлишига, планга қўшимча валюта сарфланишига олиб келганлиги учун ўртоқ Владилен Валентинович **Никитин** СССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Министрлар Кенгаши озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси лавозимидан бўшатилсин.

Ўртоқ В. В. Никитинни вазифаларидан бўшатиш тўғрисидаги қарор СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилсин.

2. СССР Министрлар Кенгашига, иттифоқдош жумҳуриятлар давлат олий раҳбарларига тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бундай маҳсулотлар билан савдо қилишдаги узилишлар учун конкрет ходимларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилсин.

3. СССР Министрлар Кенгаши иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда аҳволни дарҳол ўнглаб олиш чораларини кўрсинлар, жумладан шу йил 1 октябрдан бошлаб тамакининг янги харид нархларини жорий этсинлар ва бу ҳақда жамоатчиликка хабар қилсинлар.

(ТАСС).

• *Назм дафтаридан*


ЧАҚМОҚ ФАРЗАНДИ

Бошим ичи — чексиз жанггоҳ,
Миямнинг ҳар бир ҳужайра эшигин очиб,
Ҳар бирта ўжар фикр
Бир-бирин устига боралар бостириб.
Жангари қиличлар тилида чақмоқ,
Кўнгил пиёласидан тошқиниб сабрлар,
Жанг кетар беомон.
Жондан айрилиб беадад фикрлар —
Миям пуштасида кўпаяр оппоқ қабрлар.
Охир... Оппоқ серқабр бу жанггоҳда
Омон қолар энг тантн,
Энг ўжар фикр — ИСЁН!..
— О, Исён, мунчалар жангарисан,
Е, сен — чақмоқ фарзанди!
Сен, қачон, не мақсадда туғилгансан, айт!
— Қўрқма, сенинг ақлингда туғилмадим.
Мен дунёга келганман — ҳалк олис боболаринг
Уятни ёпиш тушига ҳам кирмаган пайт...
...Тавсанни тизгинлатиб келар учқурХаёл,
Менн мингаштириб миям қатламларига
Ҳужайрама-ҳужайра кирнб қетар,
Кириб кетар тилсим ичра тилсимга кирган мисол.
Хаёл тавсанни учқур барида
Замонлардан замонларга борамиз елиб.
Миллион йиллар қаърига
Борамиз чақмоқдай санчилиб...
...Тўхтаймиз...
Табиатда — ёввойи чирой,
Утлаб юрншарди йирик-йирик
Кўзимиз ўрганмаган ҳайвонлар.
Уятни барг билан ёпиб яшарди ҳалк
Қон зарраларида бизлар бўлган қадим Инсонлар.
Тўп-тўп яшашарди: йўқ эди «сенинки... менинки...»
Ўртада эди — Ризқ, луқмаи ҳалол,
Ўртада эди Висол...
О, қўйинг-чи...
Адолат мезонни тутган эди бир оқсоқол.
Шу оқсоқолнн қай кун Шайтон йўлдан урди,
Адолатга у қилди хнёнат.
Жамоат ҳаққндан кертиб қолди оқсоқол,
Шу кун Ишонч устунидан айрилди Диёнат.
Виждонни кемириб хнёнат қурти,
Бора-бора Шайтон миявлди отанн.
Қай бир камситилган қалбда туғилиб Исён,
Оқсоқолга отди тошболтанн...
Болта ботди мня оқ бўтқасига,
Оловида куйди у Исённнинг.
Ёрнқ бошку битди... Лек, тугун тушди —
рншталарига Қалбу Имонининг.
Шу лат еган Имон, ногирон Қалбнн —
Олтин тахтга ўтказдилар «шоҳ» атаб.
Шоҳ асаб торларин тортқилаб —
Дутор қилиб чертқилай бошлади Ғазаб...
Уйнни тарк этган хўрланган етимдек,
Шоҳ қалбнн тарк этди Диёнат.
Орзу днёрига келган вабодек,
Ораладн эл-юрт аро Қабоҳат.
Шоҳ мангу тутқунлнкка ҳукм этди Эркни,
Кўнглидан Шафқатнн сидириб ташлар чоғида.
Тутқун Эрк қалбида портлаган Исён
Бода сипқорди Шоҳнинг бош чаноғида!..
Бир бошн кесилса, ўзга бош ўсиб чиқар аждардек:
Шоҳ Исённи ёқди деб: «қолмасин асарІ..»
Бироқ ул муқаддас оловдан
Қилич қайраб чиқди Исён — самандар.
Шоҳ ва Исён жанги тасвирни, э воҳ,
Реклю* тарихида кўрдим ошкора:
Уд ясашган бирни устихонидан,
Бирни калла чаноғидан — ноғора...
Йўқ, уд эмас ул — ўз суягида ётган
Асрий дардларни куй қилиб чалди Инсонлар.
Калла чаноғидан ноғора таронасин тингпаб,
Ёш тўкди ахир не-не замонлар...
Шундоқ!.. Ҳаётки, абадий — кураш пурдавом:
Исённи ўтиндай оловга қалар.
Бироқ, ул оловдан қиличин қайраб,
Чиқиб келар Исён — Самандар!...
Бошим ичи чексиз жанггоҳ,
Миямнинг ҳар бир ҳужайра эшигин очиб,
Ҳар бнтта ўжар фикр
Бир-бирин устига боралар бостирнб.
Миям — бу оппоқ жанггоҳда,
Қаттол жанг кетар беомон:
Қатлин топиб заиф имон фикрлар,
Охир омон қолар энг тантн,
Энг ўжар фикр — Исён —
Чақмоқ фарзанди...

Миңҳожиддин ҲАЙДАР.

1. Жан Элизе Реклю — (1830—1905) — франциялик дунёшунос олим. Унинг машҳур «Инсон ва Замин» номли 6 томдан иборат қомусий тарихи кўзда тутилади.

• *«Фотоконкурс—90»*



Оғир масала экан.



Халал берманг, зардўз қиз ҳаёл сурганда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

И. ЮСУПОВ олган сурат.

БЕРТЕЛЬС ДОМЛА

Шарқ тарихи ва маданиятини тадқиқ этиш янги илмни — шарқшунослик илмини вужудга келтирди. Шарқшунослик кенг кўламли фан. У тарих ва археология, илм-фан ва маданият, тил, адабиёт ва санъат, фольклор ва этнография каби соҳаларни қамраб олади. Шарқшунос олимлар шулардан бири ёки бир нечтаси билан шуғулланадилар, шарқшунослар орасида қомусчи алломалар ҳам бор. Улардан бири СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Евгений Эдуардович Бертельсдир.

Е. Э. Бертельс — атоқли совет шарқшуноси. У маданият тарихи тадқиқотчиси, Яқин ва Ўрта шарқ халқлари маданияти донишманди. У эрон, араб ва туркий тиллар оиласини, уларнинг шохобча ва лаҳжаларини мукаммал билган. Шу билан бирга бир неча ғарб тилларини эгаллаган олим.

Бертельс қадимги тарих ва зардуштийликнинг муҳим ёдгорлиги бўлган «Авеста» обидасининг тадқиқотчиларидан бири. У Эрон шоҳлари сулолалари — аҳмонийлар, каёнийлар, сосонийлар сулолаларининг йилномаси бўлмиш «Худойнома» («Шоҳлар китоби») донишманди. У Фирдавсий ва бошқа шоирларнинг тарихни, тарихий-афсонавий шахслар воқеотини бадиий акс эттирган асарларни тадқиқ қилар экан, кўпинча мана шу манбага мурожаат қилади, тарихий-қиёсий методни тадбиқ этади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кўп ўхшашликлар, иқтисодий ва маданий алоқалар, деярли бир хил ва умумий бўлган адабий тил ҳамда бошқалар бу халқларнинг адабиётини бир-бирига яқин ва муштарак адабиётга айлантирди. Е. Э. Бертельс мана шу адабий тил ва адабиёт тарихини тадқиқ этиб асарлар ёзди. Бир қатор махсус монографиялар, илмий-оммабоп рисолалар ва бир неча юз илмий мақолалар яратди. Уларнинг кўпчилиги олим ҳаёт вақтида чоп этилди. Юксак тақдирланди. Устод иш фаолиятининг илк чоғларидан бошлаб 50-йилларга қадар туркий тил ва туркий забон халқларининг адабиёти, бу адабиётнинг муштарак босқичи — илк туркий обидалар ҳамда алоҳида халқларнинг адабиёт тарихи, буюк сўз санъаткорлари ва уларнинг мероси олим тадқиқотида катта ўринни ишғол этади. Булар орасида хусусан Навоийга доир монография ва махсус мақолалар, Муҳаммад Фузулий ва Маҳтумқулига доир тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Олим қадимги туркий — муштарак ёдгорликларнинг, «Қутадғу билик» ва «Хибатул ҳақойиқ» достонларининг тадқиқотчисидир. Жумладан, у 1945 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни (Ҳозирги ТошДУ) илмий тўпламида Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» достони ҳақида катта бир мақоласини чоп эттирган эди. Е. Э. Бертельс 1944 йилда Тошкентда чиққан «Дар» («Армуғон») тўпламида Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони ҳақида «Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном» номи билан ёзган мақоласини оммалаштирган. Бу мақоланинг муҳим қиммати шундаки, Е. Э. Бертельс Дурбек достонини ўзбек дунёвий адабиётининг катта ёдгорлиги сифатида талқин этади.

Навоий ҳақидаги монографиясида Е. Э. Бертельс Темурийлар даври туркий шеърияти ҳақида махсус бўлим ажратади. У Навоийга қадар бўлган шоирлар ва Навоийнинг замондошлари ҳақида маълумот беради, фикр-мулоҳаза юритади. Мана шундай шоирлардан бири Халил Султон ва Улуғбекнинг сарой шоири Мавлоно Саккокий эди. Саккокий девонининг энг қадимги нусҳаси Британия музейида сақланади. У шоирнинг ўн бир қасидаси ва ғазалларидан ташкил топган. Бертельс қасиданависликда Саккокийнинг роли ва у ижод қилган қасидаларнинг, хусусан, Улуғбекка бағишланган қасидаларининг аҳамиятини, Улуғбекни илму маърифатнинг буюк намояндаси ва ҳомийси сифатида тавсиф этганини алоҳида қайд қилади. Олим ушбу бўлимда машҳур ғазалнавис шоир Атоийнинг ижодий фаолияти, ғазалиётининг эстетик қиммати, санъаткорлик маҳорати ҳақида сўз юритади. Тадқиқотчи Навоий «Маликул калом» — «Сўз подшоси» деб атаган Мавлоно Лутфийни «Ҳирот лирикасининг улкан намояндаси, эски ўзбек адабиётининг энг моҳир санъаткорларидан бири» деб таърифлайди. Унинг лирикасининг етакчи хусусиятларини кўрсатади. Ҳаёти ва фаолияти ҳақида биринчи манбалар асосида маълумот беради. Бертельс Лутфий ғазалиётининг ҳаётийлиги, мусиқийлиги ва санъаткорлигига алоҳида эътибор беради, юксак баҳолайди. Олим туркий халқлар адабиётига хос бўлган жанр — туюқ жанри таърифи, унинг илдизлари халқ ижодиётига бориб тақалиши, бу жанрда Лутфийга қадар шоир Юсуф Амирий ижод этиб, ўз туюқларини девонига киритгани ҳақида маълумот бериб, туюқнависликда хусусан Мавлоно Лутфий катта маҳорат кўрсатганини таъкидлайди. Бертельс шоир Ҳусайний — Ҳусайн Бойқаро



градлик олимлар, санъаткорлар қамал ҳолати ва унинг даҳшатларига қарамай, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий фаолияти ва меросини ўрганиш, унинг образини санъат асарларида мужассамлаштириш борасида фидойилик билан иш олиб бордилар.

Ленинград ва Москва шарқшунослари кейинроқ Тошкентга кўчирилади. Улар қаторида Е. Э. Бертельс ҳам бор эди. Олим Навоий ҳақидаги монографиясини охирига етказди. Тошкентда у яна бир монография устида иш олиб боради.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафаси ва тасаввуф тариқати ҳамда таълимотини ўрганиш, унинг вужудга келиши, мураккаб тараққиёт йўли, тармоқлари, муштараклиги ва зиддиятларини ўрганиш Е. Э. Бертельс илмий фаолиятининг дастлабки йилларидан бошланган эди. Бу соҳа билан олим узоқ давр давомида шуғулланади. Ниҳоят, унинг тасаввуф намояндалари ва тасаввуф адабиёти ҳамда терминологиясига доир мақола, қайд ва шарҳлари танланган асарларнинг махсус бир томини ташкил этди. У 1965 йилда «Суфизм и суфийская литература» номи билан нашр этилди.

Устоз ўзбек совет адабиётини ҳам жиддий эътибор билан кузатиб борар ва адабий жараёндаги муҳим ҳодисаларни қадрлар эди. У жумладан, Абдулла Қодирий романлари ҳақида фикр юритиб айтган эди: «Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчиси, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди». Домла Бертельс Садриддин Айний, Мухтор Авезов ва Ойбек каби атоқли сўз санъаткорлари билан яқиндан алоқа ва мулоқотда бўлган.

Е. Э. Бертельс улкан олим ва беминнат устод— мураббий эди. У ўзбек маданиятини, жумладан, адабиёт тарихни тадқиқ қилишга, манбаашунослик ва матншунослик соҳаларини юксалтиришга даъват этган донишманд. Бу донишманд ўз илмий мероси билан Навоий таваллудининг 550 йиллик юбилейида жамоатчилик билан бирга бўлади, унинг асарлари, бой тажрибаси ва илмий-тадқиқот принциплари шарқшунослик соҳаларини такомиллаштиришга сарварлик қилади.

Н. МАЛЛАЕВ,
профессор.

● *БИЗ — БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛАРМИЗ!*

БИРОДАРЛАР

● Фарғоналиқлар Қувасойдан келган меҳмонларни «Тановар»нинг ёқимли оҳанглари, нон-туз билан кутиб олдилар. Меҳмонлар вилоят марказига «Менинг маҳаллам — менинг фахрим» байрамига келган эдилар.

М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида мазкур учрашувга атаб, Фарғона ва Қувасой корхоналари маҳсулотларининг кўргазмаси тайёрланган эди. Меҳмонлар Фарғона шаҳридаги 5-маҳалла комитети раисининг ўринбосари Муҳаббат Матқосимованинг сўзларини катта эътибор билан тингладилар. М. Матқосимова ўз маҳалласида турли халқларнинг вакиллари қандай яшаётганлиги, улар хашар йўли билан чойхона ва нонвойхона қураётганликлари, кўчалар ва уйларни ободонлаштираётганликлари ҳақида гапириб берди.

Учрашувнинг расмий қисми тугаши билан мусиқа садолари янгради. Боғнинг очиқ саҳнасида рус халқ қўшиқлари, ўзбек оҳанглари тарала бошлади. Бу қўшиқ ва оҳангларни Қувасой ветеранлар хори, Фарғона бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг қатнашчилари ижро этишди. Шундан кейин саҳнага татар ва тожик ансамбллари кўтарилди. Улар жозибали, қалбларни ром этувчи рақсларни ижро этишди. Икки қўшни шаҳарда истиқомат қилаётган кишиларнинг чинакам дўстлигини ёркин намойиш этган бу байрам тўрт соатдан кўпроқ давом этди.

15 сентябрь куни фарғоналиклар Қувасойга жавоб ташрифи буюрадилар.

В. ТАТАРИНОВ.

Реклама ва эълонлар

В. В. ҚУЙИБИШЕВ НОМИДАГИ
«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли ишчи ва колхозчилар меҳнат фаолияти камида икки йил бўлган халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаётган шахслар, корхона, ташкилотлар йўлланмаси билан ҳамда Совет Армияси сафидан заҳирага бўшатилганлар, ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига ёшларни танлаш ва йўлланмани бериш партия, комсомол ва касаба уюшмаси ташкилотларининг тавсияси билан меҳнат жамоалари умумий йиғилиши қарори орқали амалга оширилади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар меҳнат фаолияти йўлланма бериш пайтигача саналади. Бунда ўқишга кирувчиларнинг охирги йилдаги иш фаолияти узлуксиз бўлиши шарт. Иш фаолияти меҳнат дафтарчасининг корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирмаси орқали аниқланади. Ўқишга юборилган колхозчилар шу хўжалик учун белгиланган меҳнат кунларини бажарган бўлишлари керак.

Тайёрлов бўлими агрономия, ветеринария, зооинженерлик, қоракўлчилик, иқтисод факультетига ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўлимларига тингловчилар қабул қилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, иш жойидан тавсифнома, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирмаси, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4 см., катталикдаги 8 та фотосурат.

Агрономия, ветеринария, зооинженерлик, қоракўлчилик факультетларига кирувчилар билан БИОЛОГИЯ, КИМЁДАН; иқтисод факультетига МАТЕМАТИКА, БИОЛОГИЯДАН; қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўлимига кирувчилар билан МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА фанлари бўйича суҳбат ўтказилади

АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА СУҲБАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Тингловчилар сафига қабул қилиш 30 ноябрь куни бўлади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ ТУГАТИБ, БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАНЛАР ИНСТИТУТНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ҳужжатларни топшириш пайтида паспорт, меҳнат дафтарчаси ва ҳарбий билетларини кўрсатишлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 77-уй, 89-хона.

Телефон: 6-50-18.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

КЛАСТЕР ОЛМОСЛАРИ АБРАЗИВЛИК ХОССАЛАРИГА ЭГА ЭМАС.

Улар негизида саноат ва мотор мойлари учун яратилган **«ДЕСТА», «ДЕСТА—М»**, қотишма элементлари

ТАЛАЙ МУАММОЛАРИНГИЗНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ.

«Олтой» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан чиқарилмоқда.

Волга автомобиль заводи томонидан «ВАЗ» автомобилларини юргизиб синаб кўриш учун.

«Двигатель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Давлат илмий-тадқиқот технология институти томонидан янги ва таъмирланган автотрактор техникаси двигателларини заводда юргизиб синовдан ўтказиш учун,

Кутаиси автомобиль заводи томонидан деталларга юқори аниқликда ишлов берувчи металл кесиш дастгоҳлари ва ишлов бериш марказида қимматбаҳо ва танқис чет эл мойларини саноат мойларига алмаштириш учун

СИНАБ КЎРИЛДИ ВА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ
«ДЕСТА» ҚОТИШМА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

— ишлатиш жараёнида деталларни самарали ишлашини таъминлайди;
— «ВАЗ» двигателлари қувватини 4,4 фоизга оширади,
— карбюратор двигателларидан ёнилғисини 6 фоизгача, дизель двигателларидан ёнилғисини 8 фоизгача тежайди.
— мойлар сарфини 25 фоизга камайтиради,
— механика сарфини 7,6 фоизга камайтиради,
— компрессияни 12 фоизгача оширади:
— йилнинг истаган мавсумида двигателларнинг осонгина ёқилишини ва ундаги шовқинларнинг пасайишини таъминлайди.
— ишқаланувчан юзалар пишиқлигини юксалтиради.



«ДЕСТА» ҚОТИШМА ЭЛЕМЕНТИНИ ФАҚАТ ЭЛЕКТРОНИКА» МАГАЗИН САЛОНИДАГИНА **ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Маълумотлар олиш учун телефон: 33-78-34.

Пиру-бадавлат бобо

● Қашқадарё вилоятининг Ульянов районидаги Равот қишлоғи аҳолиси ўзларининг энг кекса юртдошлари тўйини нишонлаш учун кўпчилик бўлиб келишди. Шу кунн Шоди бобо Иброҳим туғилган кунга 100 йил тўлган эди. Ўғли Бўрон ҳам отаси билан биргаликда ўзининг олтмиш йиллигини нишонлади, — деб ёзади УзТАГ мухбири.

Байрам жуда қувноқ ўтди — қўшиқ ва рақслар ижро этилди, аскиябозлар ва қизиқчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан жуда кўп меҳмонлар келган эди. Байрам дастурхони атрофига тўпланган меҳмонларнинг юздан ортиғини фақат Шоди бобонинг қариндошлари ташкил этди.

Шоди бобо байрамда меҳмонларга ўз хотираларидан ҳам сўзлаб берди. Чунки, у қанча ҳикоя қилса, шунча арзийдиган воқеаларни бошидан кечирган. Ахир, бир асрнинг юзини кўриш осон эмас-ку! Шоди бобо инқилобга қадар бойнинг қўлида батраклик қилган. Сўнг инқилобий ҳаракатда фаол қатнашган, босмачиларга қарши жанг қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида фронт учун ишлади, пахта экди, уни парваришлади. Урушдан сўнг қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашди. Оқсоқолнинг ўғли Бўрон эса, мана қирқ йилдирки, қишлоқ болаларига таълим беради.

Шоди бобо узоқ умр кўришнинг сири нимада, деган саволга шундай жавоб қайтарди.

— Агар инсон инсонларга хос яшаётгандек туюлса ҳам, унинг одамлар олдида ва ўз виждони олдида қарзи жуда кўп бўлади. Бундайлар орасида ўз яқинларини ўйлаётган ва айни вақтда ўзи ҳам ёрдамга муҳтож бўлганлар бор. Фарзандлар ва набираларни ўстириш, уларни тўғри яшашга, одамларни ҳурмат қилишга ўргатиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Умримнинг маъносини мен ана шунда кўраман. Яна ҳамма вақт тетик бўлишга интилиш керак. Ҳар қандай шароитда ҳам кишининг кайфияти яхши бўлиши зарур.

СПОРТ

КУРАШ:
ҒОЛИБЛАР САФИДА

● Гродно шаҳрида «Универсиада — 90» программаси бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида умидли классик кураш усталари камол топаётгани кўзга ташланди. Беллашувда қатнашган жумҳуриятимиз полвонлари ҳам астойдил курашишга ҳаракат қилишди. Чунончи, тошкентлик К. Узоқов барча учрашувларни кўтаринки рухда ўтказиб, ғолиблар сафидан жой олди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

МУНОСИБ ҲИССА

● Маълумки, жумҳуриятимиз вакиллари Сиэтлда ўтказилган Яхши ният ўйинларида юқори натижаларга эришиб, мухлисларни мамнун этишган эди. Шу кунларда Югославиянинг Сплит шаҳрида ўтказилаётган Европа чемпионатида эса иқтидорли спортчиларимиз етарли фойдаланолмаяптилар. Чунончи, найза улоқтирувчи В. Зайцев кумуш медаль билан қаноатланди. 400 метрга югурган М. Шмонина еттинчи ўринни олиб, умумкоманда жамғармасига муносиб очко келтирди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● **МУНОСИБ УРИНБОСАРЛАР.** Муром шаҳрида **«Чарм тўп»** соврини учун Бутуниттифоқ мусобақасининг ҳал қилувчи учрашувлари ўтказилди. Подольск шаҳрининг **«Молодая гвардия»** футболчилари биринчи бўлишди. Пермнинг **«Заря»** коллективи иккинчи ўринни эгалладн. Тошкентнинг **«Олимпия»** футболчилари учинчи бўлишди.

● **БИРИНЧИ ЛИГА** кубоги учун дастлабки финал учрашуви ўтказилди: **«Таврия» — «Динамо» [Ст] 2:2.**

● **МАРАДОНА ОРЗУСИ.** Аргентиналик таниқли футболчи Диего Марадона мамлакат терма командасига тренерлик қилмоқчи эканини эътироф этди. Афтидан у АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига Аргентина командасини ҳозирлаш учун Италиянинг **«Наполи»** командаси **билан 1993 йилгача тузган шартномасини бузадиган кўринади.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ИКОНА ЎҒИРЛАНДИ. Бу воқеа 15 август куни Тошкентда тунда содир бўлди. Жиноятчилар дераза ойнасини синдириб, черковнинг ичига киришга уриндилар. Бироқ, буннинг уддасидан чиқмадилар. Шундан кейин улар ташқи деворга осиб қўйилган одам бўйи келадиган ёғочдан ясалган иконани ўғирладилар. Руҳонийнинг айтишича, икона бундан бир неча йил илгари мойбўёқ билан ишланган ва ҳеч қандай антиқий қийматга эга эмас.

Бироқ қонун юзасидан қидирув тадбирлари ўтказилмоқда.

● Шу тун Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари учун оғир бўлди. Дастлаб «Пахтазор» микрорайонининг 1-уйидаги квартираларидан бирида ёнғин чиқди. Бу ерда пенсионер аёл Н. яшар эди. Бахтли тасодифга кўра, у шу куни қариндошларинникида тунаб қолган эди. Шундан сал вақт ўтгач, мазкур микрорайоннинг 21-уйидаги бошқа квартирага ўғри тушиб, ўт қўйиб кетганлиги маълум бўлди. Бу хонадоннинг эгаси 4-автотранспорт комбинати ҳайдовчиси ҳам уйида йўқ эди.

Фақат эрталабга яқин тўрт нафар жиноятчи аниқланди ва қўлга олинди. Улардан иккитаси илгари судланган, учтаси ҳеч қаерда ишламайди. Дастлабки терговда ўғрилар изни йўқотиш учун квартирага ўт қўйганлиги аниқланди.

● СОВУҚҚОНЛИК ОҚИБАТИ. Шеробод район ички ишлар бўлими давлат ёнғинга қарши назорат ходимлари маҳаллий матлубот жамияти ёғоч-тахта материаллари магазинидаги ёнғинга қарши жиҳозларнинг ҳолатини текширдилар ва 14 банддан иборат акт туздилар. Савдо ходимлари уларнинг бирортасини ҳам бажармадилар ва... бунинг натижасида қаттиқ «куйиб» қолдилар.

Аҳолига жуда зарур бўлган ва узоқ Сибирь тайгасидан келтирилган ёғоч-тахта материаллари магазин билан бирга ёниб кетди.

В. САФИУЛОВ,
[УзТАГ].

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ САНЪАТ БОШҚАРМАСИ

С. М. КИРОВ НОМЛИ ЎШ ВИЛОЯТИ ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

БОШҚА МУДДАТГА КЎЧИРИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Харид қилинган билетлар Муқимий номли ўзбек мусиқали театри кассаларида соат 10 дан 19.00 гача қабул қилинади.

Тошкент хадк хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси Сиёсий иқтисод кафедрасининг аспиранти Ш. Қобиловга отаси

Раимжон ҚОБИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Жумҳурият телевизион маркази жамоаси овоз режиссёри А. Баҳромовга отаси

Асқархўжа БАҲРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 198.

ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12